



**Ягонасан, муқаддас Ватаним, себги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!**

**Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir**

# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2014 йил 5 сентябрь • № 35-36 (1004-1005)

## МУСТАҚИЛЛИК, БУНЁДКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ХАЛҚИМИЗ ОРЗУ-УМИДЛАРИНИНГ РЎЁБИ

*Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, мустақиллик маъно-мазмунини биз аввало ҳуқуқ, деб қабул қиламиз. Мустақилликка эришиш – бу ўз тақдиримизни қўлимизга олиб, юртимизнинг ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлиш, биз қандай улуг тарих, маданият ва маънавиятга эга эканлигимизни, ўзгиримизни чуқур англаб, беқийс салоҳиятимизни ишга солиш, қадриятларимизни, дину диёнатимизни тиклаш каби буюк ва муқаддас бурчимизни амалга оширишдир.*

*Бунинг моҳиятини ёшлар қалбига етказиш, уларни она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш келгусида мамлакатимиз истиқболи учун, унинг тинчлиги ва ободлигига камарбаста бўладиган етук инсонларни камолга етказишга замин яратади.*

### Ифтихор, ғурур ва дахлдорлик ҳисси

Ватан озод ва мустақил бўлса, куч-қудрати кун сайин ортиб боради, унинг бағрида яшаш ҳақиқий бахтга айланади. Шунинг учун она юрт ва истиқлол мавзулари доим бирга қўлланилади. Истиқлол сўзи мустақиллик деган маънони билдиради.

Мустақиллик сўзи бировга қарам бўлмаган, ўз ихтиёри билан ҳаракат қилишга қодир, озод ва эркин инсон, давлат ва бошқа ижтимоий бирликлар фаолиятининг моҳиятини ифода этади. Хўш, қандай давлат мустақил бўла олади? Ўз тақдирини ўзи белгилайдиган, эркин равишда ички ва ташқи сиёсат юрита оладиган, ҳудуди, чегаралари, моддий ва маънавий бойликлари, фуқаролари ҳаётининг дахлсизлигини сақлай оладиган давлатгина мустақил бўла олади.

**Ўзбекистон 1991 йил 31 август кунини истиқлолга эришиб, дунёдаги мустақил давлатлар қаторидан жой олди.**

Истиқлол йилларида Мустақиллик майдони пойтахтимизнинг улкан меъморий ансамблига айланди. Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги кунини деб эълон қилинган сана – 1991 йил 1 сентябрдан эътиборан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ, Тошкентнинг марказий ҳудуди – Мустақиллик майдони деб атала бошлангани бунда муҳим омил бўлди. Президентимиз раҳнамолигида бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик

ишлари бош майдонимизнинг наинки манзарасини, айна чоғда мазмун-моҳиятини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Залворли ўзгаришлар жараёнида Мустақиллик монументи, Хотира хиёбони барпо этилди. Сенат биноси, Эзгулик аркаси, Тасвирий санъат галереяси, Бизнес-марказ, шунингдек, замонавий фавворалар бунёд этилди. Эл-юрт шон-шавкати, ғурур-ифтихори, миллий давлатчилигимиз тимсоли бўлмиш обидалардан яна бири – фарзандини бағрига босиб турган мунис ўзбек аёли сиймоси акс этган юксак меъморий-бадий мажмуа – Бахтиёр она ҳайкалидир. Мустақиллик монументи ва Бахтиёр она ҳайкали эзгулик аркаси, оқ поёндоз шаклидаги кенг йўлак би-

менти” деб аталди. Ана шундай залворли ўзгаришлар жараёнида шаҳарнинг турли жойларида кўприк ва ерости йўлаклари ишга туширилди, халқа йўллари ва кўркам обидалар барпо этилди. Эски шаҳар ҳудудида амалга оширилган ишлар кўлами кенг ва равон кўчаларда, янги тураржойлар, мактаб, маҳаллалар гузарларида ўз аксини топмоқда.

Бу йил ҳам улуг байраимимиз арафасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида янги саноят корхоналари, таълим ва тиббиёт муассасалари, санъат ва спорт кошоналари, тураржойлар, йўللар, кўприклар куриб битказилди. Халқи-



лан бирга яхлит ансамблни ташкил қилади. Мустақиллик ва эзгулик тушунчаларини ўзида уйғунлаштирган бу ёдгорлик, Президентимиз таклифига кўра, “Мустақиллик ва эзгулик мону-

мизга хос эзгу аънаналарга мувофиқ, бу иншоотлар ҳосиятли ва хайрли кунларда – Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилди.

### Бунёдкорлик, ободлик ва фаровон ҳаёт асоси

Анъанага мувофиқ, Президентимиз Ислон Каримов 29 август кунини Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган қурилиш-ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишдилар. Тошкент мамлакатимизнинг бош шаҳри, юртимизнинг бутун кўрку тароватини ўзида намоён этган пойтахтимиздир. Президентимиз раҳнамолигида бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди ва бу борадаги фаолиятлар изчил давом этмоқда. Шаҳар ўзининг тарихий жозибасини сақлаган ҳолда янгиланиб, замонавий қиёфага эга бўлди, узокни ўйлаб тузилган режалар эса муттасил ривожланиб бормоқда.

Президентимиз Шайхонтохур туманининг Абдулла Қодирий ва Лабзак кўчалари кесишган чорраҳада бунёд этилган янги за-

монавий кўприкни бориб кўрдилар. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизнинг барча йирик шаҳарларида халқа йўллари қурилмоқда. Мавжудлари кенгайтирилиб, транспорт ҳаракати ва аҳоли учун қулайликлар яратилмоқда. Пойтахтимизда яна бир янги йўлнинг қурилиши бу борадаги ишларнинг изчил давомидир. 5,1 километрлик бу йўл Олмазор туманидаги Беруний кўчасидан бошланиб, Шайхонтохур туманидаги Хуршид кўчасига қадар давом этади. Форобий, Сағбон, Қорасарой, Себзор ва Лабзак каби катта кўчаларни ўзаро боғлайди.

Юртбошимиз раҳнамолигида навқирон авлодни жисмонан соғлом, маънан етук этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Спортнинг барча турлари қатори шахматни изчил ривожлантиришга кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик самарасида ўзбек шахмат мактабининг жаҳондаги нуфузи тобора юксалиб бормоқда.

Ана шундай ёш иқтидорлар сафини янада кенгайтириш, юртимизда шахматни кенг миқёсда оммалаштириш, ўзбек шахматининг ёрқин келажagini таъминловчи истеъдодли спортчиларни тарбиялаш мақсадида Тошкентда шахмат бўйича ихтисослаштирилган республика болалар ва ўсмирлар спорт мактаби барпо этилди. Бу ердаги ишлар ҳам ҳар қандай кишини қувонтириши, ҳайратлантириши табиий.

(Давоми 2-бетда).

# МУСТАҚИЛЛИК, БУНЁДКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ

## ХАЛҚИМИЗ ОРЗУ-УМИДЛАРИНИНГ РЎЁБИ

Мамлакатимизда давлат бошқарувини демократлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида давлат бошқаруви соҳасида замонавий кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси бу борадаги таянч таълим муассасасидир. Академияда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, иқтисодий ётиш бошқариш тизимини либераллаштиришга йўналтирилган ислохотларни амалга оширишга қодир етук кадрлар тайёрланмоқда. Ушбу таълим даргоҳида олиб борилган кенг қўламли бунёдкорлик-қурилиш ишлари албатта, эътирофга сазовор дейиш мумкин.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк неъмат – мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараларидир. Энг улғу, энг азиз байрамимиз арафасида юртимизнинг барча ҳудудларида қад ростлаган замонавий иншоотлар Ватанимиз юксак иқтисодий салоҳиятининг амалдаги ифодаси бўлиб, халқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

### Спортчиларимизнинг байрам туҳфаси

Дарҳақиқат, ёш авлоднинг таълим-тарбия олиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши, ўзи истаган касб-ҳунарга эга бўлиши, иқтидор ва истеъдодини тўла намойён этиши, жисмонан ва маънан етук, ватанпарвар, миллий ва умуминсон

(Давоми. Боши 1-бетда).

ний қадриятлар руҳида камол топган йигит-қизлар бўлиб катта ҳаётга кириб келиши йўлида улкан ғамхўрлик кўрсатилаётгани ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Мустақиллик йилларида шахару қишлоқларимизда ўтган асрларда қурилган таълим даргоҳлари ўрнини кенг ва ёруғ, барча шароитларга эга замонавий умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари эгаллади. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида халқаро талабларга мос стадионлар, спорт мажмуалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, сузиш ҳавзалари барпо этилди.

Яратилаётган ана шундай замонавий шароитларга жавобан, ёшларимиз ўз олдларига қўйган юксак марраларга эришиб, бутун жаҳондаги тенгдошларидан кам эмаслигини ва кам бўлмаслигини исботлаб келмоқда.

Хитойнинг Нанкин шаҳрида жаҳоннинг 170 давлатидан 3500 нафардан зиёд спортчи иштирок этган II ўсмирлар Олимпиадасида ёш спортчиларимиз бутун дунёга мардлик ва жасорат бобида не-не улғу зотларнинг муносиб ворислари эканини исботлади, халқимизнинг, Президентимизнинг ишончини оқлади, Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллик байрамига муносиб туҳфа ҳозирлади.

Қарийб икки ҳафта давомида 28 нафар спортчимиз бадий гимнастика, бокс, дзюдо, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол теннис, сузиш, таэквондо (WTF), трамполин, ўқ отиш, академик эшак эшиш, байдарка ва

каноэда эшак эшиш, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ташкил этилган мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, Ўзбекистон спорти тарихида янги саҳифа очди. Спортчиларимизнинг шижоату жасорати минглаб ёшларимизга ҳақиқий ўрнак бўла олди, уларнинг ишончига ишонч қўшиб, гурурини янада юксалтирди.



Замонавий шифо масканлари.

Бу жиҳатлар Нанкин Олимпиадасида яна бир қарра ўз исботини топди. Мазкур нуфузли спорт анжуманида 28 нафар спортчимиз бадий гимнастика, бокс, дзюдо, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол теннис, сузиш, таэквондо (WTF), трамполин, ўқ отиш, академик эшак эшиш, байдарка ва хотин-қизлар кураши бўйича ташкил этилган мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, 4 та олтин, 3 та муш ва 3 та бронза медални қўлга киритди.

### Тиббиёт тараққиёти ва халқ саломатлиги

Мустақиллик байрами арафасида барча соҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимидаги кўпгина тиббиёт муассасалари ҳам фойдаланишга топширилди. Ана шундай ишлардан бири

сифатида Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги "Uz Germed pharm" Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида турли дорилар ампуласини ишлаб чиқариш линияси ишга туширилганлигини таъкидлаш жоиз.

Дарҳақиқат, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, шифобахш ўсимликлардан дори воситалари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Янги линиянинг ишга туширилиши билан 60 дан зиёд кишининг бандлиги таъминланди, – дейди "Uz Germed pharm" корхонаси ижрочи директори, германиялик Флориан Тиде. – Соатида 40 минг дона ампула тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ўтган йиллар давомида "Uz Germed pharm"да маҳсулот ишлаб чиқариш сифати ва самардорлигини ошириш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 12 мартда қабул қилинган "2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги Қарори

**Инсон борки, Ватанини ўйлайди. Ватаним деб яшайди: унинг обрўси, шаън-шавкати, истиклоли ва ҳимояси учун курашади. Президентимиз Тошкентда Амир Темур ҳайкали очирилишига бағишланган тантанали маросимда шундай деган эди: "Ватанимиз истиклолини янада мустақкамлаш, уни ҳимоя қилиш, юртимиз шаън-шавкатини юксалтириш бизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимиздир". Демакки, Ватандан улғу, Ватандан муқаддас, азиз нарса йўқ!**

**Намоз ТОЛИПОВ, Саодат МАХСУМОВА.**

### Фахр

## ЯНГИЧА ИМКОНИЯТ ҚАЛБАН ИШЛАШГА УНДАЙДИ

**Юртимиз истиклолга эришган дастлабки йиллардан бошлаб юртдошларимиз саломатлигини асраб-авайлаш, уларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилашга йўналтирилган кенг қамровли ислохотларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида қувонарли ютуқларга эришилмоқда. Юртбошимиз ғамхўрлиги ва раҳнамолиги билан халқимиз турмуш тарзига жорий этилаётган тиббий соҳадаги ўзгариш ва янгиланган кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилаётгани биз шифокорларнинг ўз касбимизга бўлган масъулият ва рағбатимизни оширапти.**

Айниқса, бирламчи тизим бўғинлари – оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни намунали ташкил қилишга қаратилган лойиҳаларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётгани муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизи қишлоқ шароитида истиқомат қилаётганлиги инobatга олиниб, ҳар бир тумандаги аҳоли зич жойлашган ҳудудларда замонавий типдаги қишлоқ врачлик пунктларининг ишга туширилиши ана шу ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир. Аҳоли сонига мўлжалланган 1, 2, 3-типдаги қишлоқ врачлик пунктларининг нафақат ташқи томондан кўриниши, балки уларнинг моддий-тех-

ник базаси, кадрлар билан таъминланиши, янги муолажа усуллари билан қўлланилишида ҳам кўзга ташланаётгани ижобий ҳолдир.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилик томонидан Инвестиция дастури доирасида замонавий қишлоқ врачлик пунктларининг бунёд этилиши, иш жараёнида қўлланиладиган тиббий асбоб-ускуна ва дори-дармонлар билан таъминланиши, аҳолига кўрсатилаётган хизмат турларининг муайян йўналишда олиб борилиши биз шифокорларнинг чин дилдан меҳнат қилишимиз, ўз касбимизга нисбатан иҳлос ва эътиқодимизни янада оширишимиз асоси бўлмоқда, десам асло муболағаси йўқ. Худди шундай имкониятлар мен раҳ-

барлик қилаётган "Аълам" қишлоқ врачлик пунктида ҳам яратилган.

ҚВП шифокорлари аҳолини вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтказиш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, туғиш ёшидаги аёллар саломатлигини назорат қилиш, янги туғилган чақалоқлар парваришида патронаж хизматини ташкиллаштириш, репродуктив тизимни йўлга қўйиш, ижтимоий хавфи юқори бўлган касалликларга чалинган беморлар ҳолидан хабар олиш, уларни дори-дармон воситалари билан таъминлаш каби бир-бирига узвий боғлиқ жараёнларга масъулдир. Пунктимизда санаб ўтилган тиббий хизмат турларини адо этишга ҳар бир шифокор, ўрта тиббиёт ходими виждонан ёндашаётганлиги учун ҳам 2009 йилда "Энг намунали қишлоқ врачлик пункти" кўриктанловининг республика босқичида фахрли ўринни эгаллади. Бу муваффақият жамоамиз аъзоларини бундан яхшироқ ишлашга ундамоқда.

Авалло мен, жаннатмакон юртимнинг фарзанди эканлигимдан фахрланаман. 2010 йилда Юртбошимиз камтарона меҳнатларимизни муносиб



кўриб, "Шухрат" медали билан тақдирлаган эдилар. Ўзбекистон мустақиллигининг 23 йиллиги байрами арафасида ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссалари учун кўплаб ватандошларимиз қаторида мен ҳам давлатимизнинг юксак мукофотларидан бири – "Дўстлик" орденига сазовор бўлдим. Одий қишлоқ шифокори учун бундан ортқ эъзоз борми? Албатта, меҳнатимизни

бунда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Айни пайтда бу ерда инсон иммунитетини оширишга қаратилган ва кўп учрайдиган касалликларга қарши ўн саккиз турдаги дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда.

### Биринчи кўнғирок ва мустақиллик дарслари

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги мактабларда янги ўқув йили бошланиши муносабати билан тантанали тадбирлар бўлиб ўтди.

Тадбирларда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг юксак маънавиятли, маърифатли, соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши йўлида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўрилиб, барча умумтаълим мактабларида таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Ўқитувчи ва ўқувчилар учун зарурий шарт-шароитлар яратилди.

Жорий ўқув йилида биринчи синфга қабул қилинган болажонларга Президентимиз совғалари топширилди.

Таълим даргоҳларида аънавий тарзда бўлиб ўтган "Мустақиллик дарслари"да истиклол берган имкониятлар, неъматлар, амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, бу даврда эришилган улкан ютуқ ва марралар ҳақида сўз юритилди.

O'zbekiston  
RespublikasiJahon  
banki

«Salomatlik-3»

loyihasi № 7

Проект

«Здоровье-3»

# ХАЛҚ МАНФААТИНИНГ УСТУВОР ИМКОНИЯТЛАРИ

## фаолиятларда яққол намоён бўлмоқда

Юртимиз бўйлаб мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрами ҳамон ўз шукухи билан қалбларга янада қувонч бағишлаб, кўплаб соҳаларда янги бунёд этилаётган иншоотларнинг халқимиз хизматига топширилаётганлиги, шунингдек, "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилаётган тадбирлар республиканинг барча ҳудудларида оммавий тарзда давом этиб келмоқда.

Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимида ҳам аҳоли саломатлиги учун янги замонавий тиббий асбоб-ускуна ва сўнгги русумдаги аппаратларнинг, Инвестиция дастури асосида барпо этилаётган шифо масканларининг топширилаётганлиги истиқлол байрами кунларида давлатимизнинг инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигига бўлган эътиборининг ёрқин ифодасидир. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан жорий йилнинг 11-16 август кунлари байрам олди акцияси, яъни "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида ўтказилган тадбирда Тошкент вилояти Зангиота тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасида бўлганимизда, аҳолининг УТД аспа-

партураларнинг тизимга кириб келаётганлиги халқимизнинг ўз саломатлигига бўлган эътиборини ошириш билан бирга бе-

да бежизга сўз юритмадик. "Саломатлик-3" лойиҳаси фаолият бошлагандан буён туман тиббиёт бирлашмалари ва уларнинг бўлимлари, кўп тармоқли марказий поликлиникаларга замонавий тиббий асбоб-ускуналар ҳамда энг сўнгги русумдаги аппаратуралар етказиб беришни режалаштирган эди. Ўтган йилги хизмат сафарларида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг барча тиббиёт муассасаларида бўлга-

да, Тошкент вилояти Зангиота тумани кўп тармоқли марказий поликлиника, Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ ҳамда Паркент туманлари тиббиёт бирлашмаларининг кўп тармоқли марказий поликлиникаларида бўлиб қайтдик.

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида бўлганимизда, рақамли рентген аппарати талаб даражасида ўрнатилганлиги ва мутахассисларнинг фаоллик би-

лаларимиз саломатлиги учун зарурий шароитлар муҳайё қилинган. Айниқса, поликлиниканинг ҳар бир хонасида текширувга келаётган болалар соғлигини назорат қилишда УТД, рентген ва бошқа бир қанча аппаратларнинг мавжудлиги беморларга тўғри ташхис қўйишда катта ёрдам бермоқда. "Саломатлик-3" лойиҳаси томонидан поликлиникамизга тақдим этилган рақамли рентген аппарати ва унинг жамламаси (дигитай-



ратиди ўз саломатлигини текширувдан ўтказиш учун кўпчилик навбат кутиб турганлигини кўрдик. Ва иккала ҳамсуҳбатнинг фикрларини тинглаганимизда, улар янги УТД аппарати келтирилганлиги ҳамда шу аппаратда саломатликларини текширтириш истагида эканликларини билдик. Дарҳақиқат, бундай энг сўнгги русумдаги

морга тўғри ташхис қўйишда муҳим аҳамият касб этаётганлиги юқоридаги фикрларимизга далилдир. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасидаги ҳамкорлик натижасида тиббиёт тизимида кўплаб самарали ишлар амалга оширилмоқда. Юқорида тилга олинган УТД аппарати тўғриси-

нимизда, энг ноёб аппаратуралар – рақамли рентген ҳамда УТД аппаратларининг келтирилиши кутилаётган эди. Жорий йилда ушбу аппаратлар режалаштирилган барча шифо масканларига лойиҳа томонидан етказилди. Рентген аппаратлари ва жамламаси (дигитайзер, бошқарув пульта) ўзига хос талаб, шунингдек, меъёрий қоидаларга риоя қилган ҳолда ўрнатилиши зарур эди. Лекин, уларни ўрнатиш ва жой-жойига қўйиш учун бир мунча муаммоларни бартараф қилишга тўғри келди. Истиқлолимизнинг 23 йиллиги арафасида пойтахтимиз ҳамда ҳудудлар кесимидаги кўп тармоқли марказий поликлиника, туман тиббиёт бирлашмаларида рақамли рентген аппаратлари ўрнатилиб, айримлари ишга туширилди. Шу билан бирга, тақдим этилган УТД аппаратларидан бугунги кунда аҳоли саломатлиги йўлида фойдаланилмоқда. Ушбу ноёб аппаратуралар фаолиятини ўрганиш мақсадида Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази-

лан иш олиб бораётганликларидан гувоҳ бўлдик.

**Чарос МИРЗАЕВА,**  
Республика  
ихтисослаштирилган  
педиатрия илмий-амалий  
тиббиёт маркази врач-  
рентгенологи:

– Истиқлол шарофати билан тиббиётимиз тизимида оламшумул ўзгаришлар юз берди, десам хато бўлмайди. Давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланган инсон саломатлигини муҳофаза қилишда кўп сонли тиббиёт ходимларининг астойдил меҳнат қилаётганликларини кўраимиз. Президентимизнинг тиббиёт ходимлари меҳнатини қўллаб-қувватлаши ҳамда тўлақонли фаолият юритиш учун барча шароитларни яратиб бераётганликлари соҳада эришилаётган ютуқларнинг асосий омилли, десак бўлади. Ўтган давр мобайнида қанчадан-қанча янги шифо масканлари қад кўтариб, улар замонавий технологиялар ҳамда малакали кадрлар билан таъминланди. Мен фаолият юритаётган тиббиёт марказида ҳам бо-

зер) тўғри ташхис қўйишда, шунингдек, таҳлилларни сифатли чиқариб беришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу аппаратда ишлаш врач-рентгенолог ҳамда лаборант-рентгенологдан, аввало, билим ва катта масъулият талаб этади. Жорий йилнинг февраль ойида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида тажрибали рентгенолог-мутахассислар томонидан олиб борилган икки ҳафтalik ўқув курсида қатнашиб, ушбу ноёб аппаратда ишлаш жараёнларини ўрганиб қайтдим. Айни пайтда бу рентген аппаратида бемалол ўз фаолиятини давом эттириб келмоқдаман. Шунингдек, мен билан ёнма-ён ишлаётган лаборант ҳам бу борада етарли малакага эга. Эндликда юқоридаги ноёб аппаратуралардан унумли фойдаланиш мутахассис салоҳиятига боғлиқ, деб биламан. Шундай экан, ушбу янги технологияларни асраб-авайлаб ишлатиш зарурлигини унутмаслигимиз керак.



«Salomatlik-3»  
loyihasi №7  
Проект  
«Здоровье-3»

# ОҚИЛОНА Фойдаланишимиз зарур

Зангиота  
тумани

**Халқимизнинг асрий орзулари бўлган мустақиллигимиз бугунга келиб ўзининг сермахсул натижаларини бераётганлиги ҳар биримизни қувонтиради. Дарҳақиқат, аянда истиқлолимизнинг 23 йиллигини мамлакатимиз бўйлаб ўзгача шуқуҳ ва кўтаринки кайфиятда кутиб олдик. Юртимиз гўшаларида бўлиб ўтган тантанали байрам тадбирларида сўзга чиққан инсонларнинг эътирофини эшитиб, бугунги тинч-осойишта кунларимиз нақадар олий бахт эканлигини дилдан ҳис этдик.**

Барча соҳалар каби соғлиқни сақлаш тизимида қўлга киритилган ютуқларнинг телевидение, радио ва матбуот орқали намойиш этилаётганлиги халқимизнинг тиббиётга бўлган ҳурмат ҳамда эътиборининг ёрқин ифодасидир. Бунинг исботи сифатида айтиш муҳимки, охириги 5 йил ичида соҳада мисли кўрилмаган ўзгаришлар бўлди. Айниқса, замонавий типдаги бинолардан тортиб, энг сўнги русумдаги ноёб технологияларнинг кириб келиши, бу албатта, беморлар учун кенг шароитлар, тўғри ташхис қўйиш, касалликнинг олдини олиш ҳамда аҳолининг саломатлигига бўлган ишончини янада оширапти, десак муболаға бўлмайди. Яна шуни айтиш жоизки, тиббиётнинг ҳар бир йўналишига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ҳам тизимнинг янада ривожланиш босқичини юқори поғоналарга кўтараётганлиги Ўзбекистон

тиббиётининг ўз тараққиёт йўли борлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Саломатлик-3» лойиҳаси ҳамкорлигида туман тиббиёт бирлашмалари, кўп тармоқли марказий ва оилавий поликлиникаларнинг замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва ноёб апаратуралар билан таъминланаётганлиги аҳолига катта қўлайлик туғдирмоқда. Айниқса, УТД, ЭКГ, доплер, гастроэндоскопия ва рақамли рентген апаратураларнинг мўлжалланган тиббиёт муассасаларига тақдим этилганлиги ва уларнинг айна кундаги фаолияти инсонлар саломатлигини муҳофаза этишда асосий ўрин тутмоқда.

Тошкент вилояти Зангиота тумани кўп тармоқли марказий поликлиникада бўлганимизда, беморларга тўғри ташхис қўйишда қўл келаётган янги русумдаги УТД апаратурининг замонавийлиги ва навбат кутиб

турган фуқароларни кўриб, ушбу ноёб технологиянинг афзаллиги инсон саломатлиги учун нечоғлиқ муҳим эканлигининг гувоҳи бўлдик. УТД хонасига ташриф буюрганимизда, ультратовуш диагностикаси шифокори Зулхумор Турдиева беморни текширувдан ўтказиётганлигини ва тахлилий натижалар бўйича маълумотлар бераётганлигини кўриб, ушбу аппаратда ишлаш мутахассис учун ҳам қўлай, ҳам тўғри ташхис қўйиш имконияти юқори эканлигига яна бир бор гувоҳ бўлдик.

Агар мустақиллик йилларидан олдинги тиббиётимиз билан бугунги тиббиётимизни солиштириб кўрадиган бўлсак, жуда катта фарқ бор, албатта. У пайтларда замонавий шифохоналар, қолаверса, талабга жавоб бера оладиган тиббий асбоб-ускуналарнинг йўқлиги беморлар ҳамда мутахассислар учун ноқулайликлар туғдирар эди. Эндиликда эса, инсон саломатлиги ҳамда соҳа мутахассисларининг фаолият юритиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Шу боис, мамлакатимизда халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш давлатимизнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб, аҳоли соғлигини сақлашда соғлом турмуш тарзи тарғиб қилинаётган-



лиги касалликларнинг олдини олишда муҳим босқич бўлмоқда. Айниқса, Юртбошимиз томонидан бирламчи тизимнинг қўллаб-қувватланаётганлиги, оилада соғлом муҳит барқарорлигини ошираётганлиги ўз самарасини бермоқда. Жумладан, бирламчи тизим фаолиятини янада ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Саломатлик-1, 2, 3» лойиҳалари доирасидаги ишлар бугунга келиб ўз самарасини бераётганлиги қувонарли ҳолдир. Бунинг тасдиғи сифатида айтиб ўтмоқчи-манки, мустақиллигимизнинг

23 йиллиги олди поликлиникамизга янги УТД апарати берилганлиги аҳоли учун катта туҳфа бўлди. Ушбу ноёб апаратнинг ишга тушиши билан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остидаги тадбири бошланиб, унда вилоятимизнинг Зангиота, Янгийўл, Чиноз туманларида истиқомат қилаётган кўп сонли аҳолиси мазкур УТД апарати текширувдан ўтказилди, – дейди Зангиота тумани кўп тармоқли марказий поликлиника УТД шифокори Зулхумор Турдиева.

## Юқори Чирчиқ тумани

**Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасидаги ташрифимиз чоғида «Саломатлик-3» лойиҳаси томонидан тақдим этилган янги рақамли рентген ҳамда УТД апаратураларнинг амалиётдаги ҳолатларини кўриш мақсадида амалдаги жараёнлар билан қизиқдик.**

**Татьяна БЕГИМКУЛОВА,  
УТД врач:**

Авалло, инсонлар саломатлиги ҳамда соҳа мутахассислари меҳнатини қўллаб-қувватлаб ишлашимиз учун кенг имкониятлар яратиб бераётган Президентимизга ўз ташаккуримни билдираман.

Ўзбекистон тиббиётига қаратилган эътибор туфайли охириги тўрт йил давомида аҳамиятга молик ишлар ўз самарасини бера бошлади. Эришилган ютуқларнинг яна муҳим бир жиҳати – кадрлар салоҳияти ошмоқда. Бу Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан кадрлар масаласига қаратилаётган эътибордан далолат беради. Айниқса, вазирлигимиз ва «Саломатлик-1, 2, 3» лойиҳалари ҳамкорлигидаги узлуксиз таълим жараёнлари, ўқув-семинарларининг мунтазамлиги мутахассислар малакасини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида келтирилган УТД, рақамли рентген, ЭКГ, гастроэндоскопия, доплер апаратураларининг аҳоли саломатлиги йўлида татбиқ этилаётганлиги, аввало, беморларга тўғри ташхис қўйишда, шунингдек тиббиёт ходимлари ишини енгиллаштирмоқда. Шу билан бирга, ушбу технологияларнинг афзаллиги шундаки, улар тезкор, ишончли ва албатта инсон саломатлиги учун зарарли томони йўқ. Яқинда марказий поликлиникамизга олиб келинган УТД апарати айна пайтда аҳоли саломатлигини

мустаҳкамлашда ўз имкониятларини бермоқда.

Аваллари аҳоли бундай апаратуралардан фойдаланиш учун вақт сарфлаб шаҳар марказидаги диагностика бўлимларига борар эди. Эндиликда эса бундай шарт-шароитлардан халқимизнинг узоғи яқин бўлиб, уларга ҳам моддий, ҳам маънавий имкониятлар яратилди. Айниқса, ҳомиладор аёлларимиз қувончини айтмайсизми?! Вужудидаги ҳомиланинг



**Покиза ЮДАШЕВА,**

**Юқори Чирчиқ тумани, «Оқовул» маҳалласи:**

Биринчи марта ҳомиладор бўлишим. Бундан беш ой олдин пойтахтимиздаги тиббиёт муассасаларида УТД апаратида бўлажак фарзандим ва ўз саломатлигимни текширувдан ўтказдим. Бугун эса марказий поликлиникамизда янги УТД апаратида шифокор Татьяна Бегимкулова ҳомиланинг ривожланиш жараёнларини кўздан кечирди. Шу билан бирга, ҳомиламнинг юрак уришини эшитиб, кўзларимга севинч ёшлари келди. Бундай замонавий апаратни яратган инсонларга раҳмат.

юрақ уришини эшитган онанинг қалби қувончга тўлаётганини кўриб, беихтиёр мустақиллигимизга шукроналар айтман.

Дарҳақиқат, давлатимиз томонидан юртимизга кириб келаётган бу каби ноёб тиббий асбоб-ускуналардан оқилон фойдаланишимиз, қолаверса зиммамиздаги вазифани тўлиқ бажариб, масъулликни мустаҳкамлаб боришимизни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Ўз навбатида халқимиз саломатлигини асраган ҳолда шифокорга мурожаат қилиб, мавжуд имкониятлардан самарали фойдалансалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди.



Юқори Чирчиқ туман тиббиёт бирлашмаси ҳудудида истиқомат қилаётган аҳоли саломатлиги учун туман марказий поликлиникасига берилган рақамли рентген апарати учун ажратилган хонадаги шарт-шароитлар билан танишдик. Аҳамият-лиси шундаки, мазкур аппарат меъёрий қоидалар асосида ўрнатилганлиги ва ҳимоя воситалари ўз ўрнида қўлланилганлигининг гувоҳи бўлдик. Тез кунларда ишга тушиш арафасида турган ушбу аппарат, албатта, бугунги кун талабларига жавоб берадиган хоналарда жойлашганлиги ҳеч биримизни бефарқ қолдирмади.

Хизмат сафари давомида Тошкент вилояти Паркент тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий поликлиникада ҳам бўлдик. Инвестиция дастури бўйича мустақиллигимиз арафасида ишга тушган поликлиника биносидан иккита рентген ҳамда УТД апаратуралари ўрнатилган бўлиб, айна пайтда аҳоли хизматида.

### Хулоса ўрнида

Тиббиётимизда эришилаётган ютуқлар билан ҳақли равишда фахрлансак арзийди. Бундай натижаларга эришишда албатта, давлатимизнинг юксак эътибори ва ғамхўрлиги борлигини барчамиз яхши англаймиз. Айниқса, хорижий давлатлардан кириб келаётган юқори қийматли ноёб апаратуралар, шунингдек ўз иқтисод ва салоҳиятига эга бўлган мутахассисларимизнинг астойдил меҳнатлари туфайли шифо излаб хорижга боришига ҳожат қолмади. Шундай экан, юқорида тилга олиб ўтилган ноёб асбоб-ускуналардан оқилон фойдаланишда айрим раҳбар ходимлар ўз масъулиятини кучайтириш вақти келди, деб ўйлаймиз.

# ЮҚУМСИЗ КАСАЛЛИКЛАР

## Уларнинг хавфли омиллари

**Юқумсиз касалликлар бутун жаҳонда ўлим ҳолатларининг асосий сабабчиси ҳисобланиб, улар юрак-қон томир, қандли диабет, онкологик ҳамда нафас олиш аъзоларининг сурункали касалликлари туфайли келиб чиқади.**

Юқумсиз касалликларнинг катта гуруҳини умумий хатарли омиллар, ижтимоий-иқтисодий детерминант (аниқловчи)лар ва олдини олиш имкониятлари бирлаштиради. ЖССТнинг маълумотларига кўра, 80 фоиз ҳолатда юрак қон-томир, қандли диабетнинг 2 тури ва 40

ўтди. Унда асосий эътибор сурункали юқумсиз касалликларнинг хавфли омилларини ўрганишга қаратилди.

Маълумотларга статистик ишлов бериш, уларни таҳлил этиш ва ҳисобот тайёрлаш соҳасида фаолият юритаётган мутахассисларнинг салоҳиятини ошириш

ҳамда “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида ЖССТнинг кўмағида жорий йилнинг январь-апрель ойларида текширув ўтказилди, – дейди “Саломатлик-3” лойиҳаси координатори **Шухрат Шукуров**. – Текширув ЖССТнинг юқумсиз касалликлар хавфли омиллари босқичма-босқич мониторинги STEPS услубияти ва воситалари асосида олиб борилди. STEPS текширувини амалга ошириш жараёнида касалланиш ва ўлим ҳолатларига энг кўп таъсир кўрсатувчи, бирламчи профилактиканинг самарали чора-тадбирлари орқали камайтириш мумкин бўлган, ўрганиш ва назорат қилишда ижобий натижа берган, тегишли ахлоқ-одоб меъёрларига риоя қилган ҳолда маълумотларни олиш имконини берувчи хатарли омиллар ўрганилди.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, тамаки ва алкоголь, сабзавот, мева ва ош тузини истеъмол қилиш, жисмоний фаолликни баҳоловчи омиллар, гавда вазни индекси, қон босими, томир уриши, қанда қанд ва холестерин миқдори каби биологик омилларнинг тарқалганлиги ўрганилди.



«Salomatlik-3»  
loyihasi №7  
Проект  
«Здоровье-3»

қанд ва холестерин миқдори аниқланди.

5 кунлик семинар-тренингда ушбу олинган маълумотларга статистик ишлов бериш, уларни таҳлил этиш, интерпретация қилиш ва ҳисобот тайёрлаш бўйича машғулотлар ўтказилди. Тренингни ЖССТ эксперти Мелани Кован, ЖССТнинг Европа минтақаси бюроси эксперти Труди Вайнховен ва ЖССТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси юқумсиз касалликларни ўрганиш

умумий ҳолати ва келгусидаги ўзгариш тенденциясини баҳолаш ҳамда бошқа мамлакатларнинг кўрсаткичлари билан солиштириш имконини берди. Шунингдек, юқумсиз касалликлар профилактикаси ва назорат қилиш бўйича ҳаракат дастурларини ишлаб чиқиш имкони яратилди, бу эса мазкур соҳада амалга оширилаётган дастурларнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.



фоиз ўсма касалликларининг олдини олиш мумкин, бу эса ўз навбатида инсон умрини узайтириш имконини беради.

Европа минтақаси мамлакатларида юқорида келтирилган касалликларнинг 60 фоизини куйидаги омиллар ташкил қилади: қон босимининг ошиши (12,8%), тамаки истеъмол қилиш (12,3%) ва алкогольга берилиш (10,1%), қанда холестерин миқдорининг ошиши (8,7%), ортиқча гавда вазни (7,8%), сабзавот ва меваларни етарли истеъмол қилмаслик, жисмоний ҳаракатнинг камлиги (3,5%) шулар жумласидандир.

Глобаллашув шароитида юқорида келтирилган манзара Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг бошқа мамлакатлари каби Ўзбекистон учун ҳам характерли бўлиб бормоқда. Шу боис, Ўзбекистон ҳукумати томонидан бу масалага жиддий ёндашган ҳолда юқумсиз касалликларнинг олдини олишга, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтиришга қаратилган комплекс чоралар кўрилмоқда.

Шу муносабат билан пойтахтимиздаги Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида навбатдаги 5 кунлик семинар-тренинг бўлиб

мақсадида ташкил этилган ушбу тренингда Давлат статистика кўмитаси, Республика саломатлик ва тиббий статистика институти, унинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти филиаллари раҳбар ва мутахассислари, тиббиёт институти ўқитувчилари ҳамда “Sharh va Tavsiya” ижтимоий маркази мутахассислари қатнашдилар.

Айтиш жоизки, охириги йилларда Ўзбекистонда бошқа ривожланган мамлакатлардаги каби касалланиш ва барвақт ўлимнинг асосий улушини юқумсиз касалликлар ташкил этмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, юқумсиз касалликларнинг олдини олишда тамаки чекиш, алкоголь истеъмол қилиш, нотўғри овқатланиш ҳамда жисмоний ҳаракатнинг камлиги асосий хавфли омиллардан ҳисобланади.

– Мазкур хавфли омиллар Ўзбекистонда қай даражада тарқалганлигини ўрганиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги



Маълумотларни йиғиш давомида 18-64 ёшдаги аҳоли орасида сўровнома ўтказилиб, республика бўйича танлаб олинган 4350 нафар респондент ўртасида умумий ва демографик маълумот йиғилди. Хусусан, 1-қадамда хулқни баҳолаш: тамаки ва алкоголь истеъмол қилиш, сабзавот ва меваларни етарли тановул қилмаслик, ош тузини меъридан ортиқ истеъмол қилиш, жисмоний ҳаракатнинг етарлича эмаслиги ҳақида маълумотлар тўпланди.

2-қадамда жисмоний кўрик: яъни жисмоний (бўй, вазн, бел ва сон айланаси) кўрсаткичлар ҳамда қон босими, томир уриши ўлчанди. 3-қадамда оч қоринга

бўйича координатори Елена Цой олиб бордилар.

Семинар-тренингда текширув давомида олинган маълумотларга махсус Epi Info дастури ёрдамида статистик ишлов берилди ва улар таҳлил этилди. Шунингдек, машғулот давомида қатнашчилар қарор қабул қилувчи раҳбарлар ва турли мақсадли гуруҳлар учун таёрлаш ва уларга тақдим этдилар.

– STEPS юқумсиз касалликлар хатарли омиллари тарқалишини мониторинг қилиш воситаси сифатида ЖССТ томонидан тавсия этилган бўлиб, у дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларида қўлланилган, – дейди **Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кафедра мудири, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Баҳром Дурманов**. – Текширув натижасида олинган маълумотлар юқумсиз касалликларнинг асосий хатарли омилларининг тарқалганлик даражасини ўрганиш, ҳозирги даврда аҳоли саломатлигининг

– Ҳозирги кунда юқумсиз касалликларнинг асосий қисмини юрак қон-томир, қандли диабет, онкологик ва нафас олиш аъзоларининг сурункали касалликлари ташкил этмоқда, – дейди **Республика саломатлик ва тиббий статистика институти етакчи мутахассиси Жамила Авлиёқулова**. – ЖССТ маълумотларига қараганда, 2008 йилда дунёда юз берган 57 миллион ўлим ҳолатидан 36 миллионининг (63%) сабабини юқумсиз касалликлар ташкил этган. Бундан ташқари, бутун дунёда бу касалликлардан ўлим ҳолатлари сонининг келгусида янада кўпайиши кутилмоқда. Шу боис, бугунги семинар-тренингда маълумотларга статистик ишлов бериш, уларни таҳлил этиш ва ҳисобот тайёрлаш жараёнида касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш борасида ҳам зарур билимларга эга бўлдик. Бу эса келгуси фаолиятимизда янада қўл келади.

Семинар-тренинг давомида иштирокчилар асосий биостатистик ва эпидемиологик кўрсаткичлардан хабардор қилинди. Шунингдек, кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда машғулот олиб боришди.

**Элмурод ЭГАМҚУЛОВ.**

**Болезни кожи и слизистых оболочек, возникающие в результате воздействия на них химических веществ, поступающих в организм, характеризуются полиморфизмом высыпаний. К группе токсикодермий относятся фиксированная эритема, распространенные токсико-аллергические формы (буллезная, эритродермическая и др.).**

**Клиника:** клинические проявления разнообразны. Наблюдаются пятнистые, папулезные, уртикарные, везикулярные, буллезные, эритематозно-сквамозные высыпания. По распростра-

ненности процесс может быть ограниченным и распространенным. Локализация – любые участки туловища, часто область половых органов, но может поражать и все тело. В ряде случаев клиническая картина соответствует многоформной экссудативной эритеме, розовому лишаю, кори, скарлатине и др. Это сходство усиливается и другими общими симптомами: острое начало, нарушение общего состояния, возможно на-

личие геморрогического компонента, зуд. По тяжести течения разделяют на легкие и тяжелые – синдром Лайелла, Стивенса-Джонсона, эритродермии.

Чаще токсикодермия возникает при применении: **антимикробных средств (пенициллины, цефалоспорины; сульфаниламиды), тиазидных диуретиков, карбамазепина, барбитуратов, аллопуринола, препаратов золота, аспирина, пищевых продуктов и др.**

**Фиксированная токсидермия (фиксированная эритема).** Проявляется одиночными или множественными эритематозными очагами синюшно-фиолетового цвета. При повторном возникновении очага в одном и том же месте в его центре образуется пузырь. Локализация: лицо, кисти, половые органы. Причина возникновения – чаще вызывают: тетрациклин, сульфаниламиды, салицилаты, пероральные контрацеп-

тивы, барбитураты, хлордиазепоксид.

Лечение (общее и местное) проводится под руководством врача-дерматовенеролога, аллерголога; при распространенных вариантах – в реанимационном отделении. **Выясняют, какой препарат вызвал сыпь и отменяют его. Терапию проводят антигистаминными, гипосенсибилизирующими, антитоксическими, при необходимости кортикостероидными препаратами в высоких дозах.**

**М. АБЛАКУЛОВА,  
Н. АЗИМОВА.**

## В помощь врачам общей практики ТОКСИКОДЕРМИЯ



Одна из важнейших задач медицинской сестры – это умение тактично выстроить с пациентом беседу, эффективность общения зависит, в первую очередь, от умения расположить его к себе, вызвать на откровенный разговор. Искусство слушания пациента оказывает влияние не только на своевременную диагностику, но и на формирование конструктивных партнерских отношений между ним и медицинской сестрой. Ниже приводятся коммуникативные барьеры в процессе общения.

#### Информационные барьеры:

\* механический обрыв информации и возникающее от этого ее искажение (например, палатную медицинскую сестру, объясняющую пациенту правила самоухода, срочно вызывают в операционную, и она, не изложив до конца информацию, уходит);

\* неясность передаваемой информации, в силу чего искажается изложенная и переданная мысль (например, медицинская сестра рассказывает о режиме образа жизни пациентке в послеоперационный период и использует при этом в разговоре такое выражение, как «в течение 3-х месяцев вам нельзя носить тяжести» – фразу, которая не уточняет какую массу может поднимать пациентка после 3-х месяцев, и не объясняет правила ношения тяжести);

\* недостаток информации;  
\* информационная перегрузка (слишком большой объем информации, слишком

сложная информация или недостаток времени для восприятия информации);

\* искажение информации.

**Замещающе-искажающие барьеры:** принимающие информацию ясно слышат передаваемые слова, но придают им иное значение (например, медицинская сестра говорит пациенту о необходимости сдать кровь на реакцию Вассермана для подготовки к операции, а пациент начинает думать, что у него венерическое заболевание).

**Эмоциональные барьеры:** люди, получая какую-либо информацию, больше заняты своими чувствами, предположениями, чем реальными фактами. Слова в данном случае являются сильным эмоциональным зарядом, который порождает разнообразные ассоциации, оказывающие влияние на восприятие информации (например, женщина очень трогательно относится к своей беременности и будущему ребенку; сообщение врача о том, что необходимо делать

аборт по медицинским показаниям, вызывает у нее активный протест, она не желает ничего слушать по этому поводу).

#### Барьеры непонимания:

\* фонетическое непонимание возникает, когда участники общения говорят на разных языках, диалектах или имеют дефекты речи и дикции, либо у них невыразительная быстрая речь, речь-скороговорка или речь с большим количеством слов-паразитов;

\* семантическое непонимание связано с различиями в системах значений участников общения – это проблема жаргона и сленга. Известно, что даже в рамках одной и той же культуры существует множество микрокультур, каждая из которых создает свое «поле значений» (например, медицинские работники в разговоре с пациентами употребляют такую фразу, как «глотать лампочку»).

#### Стилистические барьеры:

несоответствие стиля речи коммуникатора и ситуации общения или стиля речи и психологического состояния другой стороны (например, пациент может не принять критическое замечание в свой адрес, так как оно будет высказано в несоответствующей ситуации панибратской манере).

**Логические барьеры:** логика рассуждения, предлагаемая

В помощь медицинской сестре

# ОБЩЕНИЕ В СЕСТРИНСКОМ ДЕЛЕ

коммуникатором, либо слишком сложна для восприятия, либо кажется другой стороне неверной, либо противоречит присущей ему манере аргументирования (можно говорить о «женской», «детской» или «мужской» логике).

**Барьеры социально-культурных различий:** социальные, политические, религиозные, профессиональные различия приводят к разной интерпретации тех или иных понятий, употребляемых в процессе коммуникации (например, чем выше авторитет медицинского работника, тем меньше преград на пути понимания и усвоения предлагаемой им информации пациентом).

#### Сенсорные барьеры:

\* физические помехи (шум, большое расстояние, физические преграды);

\* отвлекающие моменты (телефонные звонки, посетители, плохое самочувствие, все новое и неожиданное, что вызывает реакцию «что такое?»);

\* дефекты органов чувств у кого-либо из собеседников (плохой слух, плохое зрение).

#### Психологические барьеры:

\* недоверие к собеседнику;

\* незаинтересованность в предмете разговора;

\* погруженность в другие дела;

\* убежденность в собственной правоте;

\* предубеждение;  
\* неуверенность в себе;  
\* самоуверенность;  
\* стремление настоять на своем;  
\* неумение слушать;  
\* неумение выражать свои мысли;  
\* привычка перебивать собеседника.

#### Социальные барьеры:

\* разный статус собеседников;  
\* ролевые ожидания (неудовлетворенные надежды человека на определенную роль в социуме, которая помогает самоутвердиться, например, иметь авторитет среди знакомых).

#### Организационные барьеры:

\* передача информации сверху вниз («размножение» информации, эффект «испорченного телефона», задержка информации);  
\* передача информации снизу вверх (искажение, потеря, задержка информации).

Организационные барьеры преодолеть труднее всего, поскольку они связаны с политической учреждения, стилем управления, т.е. факторами, очень мало зависящими от усилий отдельных специалистов.

#### Источник информации

<http://www.sestrinskoedelo.ru/>

## Умумий амалиёт шифокорлари учун амалий ёрдам

# ФАРЗАНДАЛАРИМИЗ СОҒЛИГИГА БЕЪТИБОР БЎЛМАЙЛИК

Юртимизда болаларга ҳар томонлама ғамхўрлик, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни камол топтириш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Истиқлол йилларидан «Инсон манфаатлари йили», «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили», «Сиҳат-саломатлик йили», «Баркамол авлод йили», «Соғлом бола йили» да қабул қилинган Давлат дастурлари доирасида амалга оширилган ишлар халқимизнинг азалий эзгу орзуси – ҳар томонлама соғлом фарзандни камолга етказишдек олижаноб мақсадларга ҳамоҳангдир.

Алоҳида таъкидлаш керакки, «Соғлом бола йили» Давлат дастури 7 та бўлим ва 125 банддан иборат бўлиб, унда болаларимизнинг соғлом туғилиши, соғлом турмуш тарзида вояга етиши, оилада ўзаро ҳурмат, миллий қадриятлар асосида тарбиялаш, оиланинг ижтимоий-иқтисодий асосларини янада мустаҳкамлаш ва ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлар мажмуи ўз аксини топган.

Айниқса, дастурнинг яна бир йўналиши сифатида соғлом бола вояга етишида соғлиқни сақлаш тизими ва тиббиёт ходимларининг жавобгарлиги ҳамда ролини кучайтириш, тугма нуқсонли туғилишининг олдини олиш, шифо масканларининг моддий-техник базасини яхшилаш ҳамда аҳолининг тиббий маданиятини ошириш белгиланган. Бу ўз навбатида биз тиббиёт ходимларига катта масъулият юклаш билан бир-

га, соҳанинг истиқболдаги тараққиётини таъминловчи муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Демак, бундан хулоса шуки, фарзандларимиз саломатлигини муҳофаза қилишда, авваломбор уларда кечаётган касалликларнинг олдини олишга эътибор қаратишимиз лозимлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Шу ўринда болаларда тез-тез учраб турадиган бош оғриғи касаллиги ва уни даволаш йўллари оид маълумотлар ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Болаларда бош оғриғидан шикоят қилиш 4-5 ёшдан бошланади, худди шу ёшдан улар ўзидаги оғриқнинг жойлашган жойини, қандай оғриётганини тўғри таърифлаб беришни ўрганадилар. Кичик ёшдаги болаларда бош оғриқни фақат боланинг хатти-ҳаракатига қараб билиш мумкин. Бош оғриқ частотаси ортишининг иккита чўққиси тафовут қилинади, булар 7 ёш (биринчи синфдаги стрессор билан боғлиқ) ва 13-15 ёш (пубертат ёш). Бунда бош оғриғи худди катта ёшдагилар каби кечади.

Болалардаги бош оғриқлари ичида бирламчи бош оғриғи устунлик қилади, уларнинг орасида эса биринчи ўринда зўриқишдаги бош оғриғи туради. Улардаги бош оғриғининг асосий этиологияси омилли – катталар каби психологик омиллардир. Бундай омилларга болаликдаги психогенияни (яъни, болага керагидан кўп эътибор бериш ёки аксинча болани ҳаддан ташқари совуққонлик билан тарбиялаш, оиладаги салбий ҳолатлар) киритиш мумкин. Болаларда психоген бош оғриқлар ҳамisha вегетатив дистония белгилари, баъзи ҳолатларда дудуқланиш, тунги энурез, нейроген гипертония ва бошқа невротик белгилар билан кузатилади. Болалардаги бош оғриқлари ичида «мактаб бош оғриғи» каби мустақил шакли ҳам тафовут қилинади. Болаларда бундай бош оғриқлар мактабда, одатда охириги дарсларда пайдо бўлади. Оғриқ икки томонлама қисувчи характерда бўлиб, локализацияси фронтал соҳада, кам ҳолатларда ҳалқасимон кўринишда кечади.

Мигрень касаллиги болаларда баъзи бир хусусиятларга эга бўлади. Жумладан, хуружлар катталарга нисбатан қисқа, бош оғриғи кўпинча икки томонлама характерда бўлади (катталарда гемикрания кўринишида), кўпинча (маълумотларга қараганда 50 фоизгача) мигрень аура билан кузатилади. Болаларда

абдоминал мигрень ҳам кузатилиб, оғриқлар қорин соҳасида бўлади ва бундай болаларда оилавий анамнезида мигрень билан хасталанганлар борлигини аниқлаш мумкин ҳамда қориндаги оғриқ хуружлари бош оғриқни мигреноз хужумлари билан навбатлашиб келади.

Бош оғриқ кўп ҳолларда медукаментоз даво талаб қилмайди ва сайр қилгандан ёки дам олгандан сўнг ўз-ўзидан ўтиб кетади. Бош оғриқнинг асосий сабаби – бош узоқ вақт нотабиий ҳолатда (бошнинг эгилган ёки осилган ҳолда туриши) бўлади, шунингдек, кўриш ўткирлиги бузилганда кўзнинг ташқи мушаклари зўриқади. Бундай ҳолларда кўзойнак тўғри танланиши болани бош оғриқдан халос қилади. Баъзида «мактаб бош оғриғи» келиб чиқишига мушаклар зўриқиши психик омиллар, кўпинча хавотир-фобик бузилишлар билан биргаликда кели-

ши сабаб бўлади. Бундай пайтларда даволашга психотерапевтик даво ҳам қўшилиши лозим. Шундай экан, оқоридаги тиббий хулосалардан келиб чиққан ҳолда ота-оналар фарзандлари бундай касалликка чалинмасликларини учун вақтида шифокор назоратидан ўтказиб, керакли тавсия ва муолажаларни олиб турсалар, мақсадга мувофиқ бўлади.

**Дарҳақиқат, соғлом авлодни тарбиялаш – узлуксиз жараён. Бу кенг миқёсдаги кўпдан-кўп вазибаларни бажаришни, ҳар бир инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятдан доимий эътибор ва масъулиятни талаб қилади.**

**Насиба РАҲМАТУЛЛАЕВА,**  
Андижон тиббиёт институти неврология ва болалар неврологияси кафедраси ассистенти.

«Саломатлик-3» лойиҳасини татбиқ этиш марказий бюроси.

Ижрочи директор **Ж. ЖАБРИЕВ.**  
100007, Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 51,  
Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, 3-қават.  
Телефонлар: 268-08-19, 267-73-47.  
268-25-39 (факс). E-mail:office@jpib.uz  
Лойиҳа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади. Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ, Жасур ЖАЛИЛОВ.

## Соғлом бола — соғлом ва аҳил оила маҳсули

## КЕЛАЖАК АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Навоий вилояти «Навбахор» тиббиёт бирлашмаси туғруқ мажмуасининг моддий-техник базаси замон талаблари асосида жиҳозланган.

Мажмуанинг олтишига яқин ходими ташхис ва даволаш ишларида илғор тажриба ҳамда замонавий ускуналардан самарали фойдаланмоқда. Айниқса, туғруқ мажмуасидаги яратилган шароит ва имкониятлар она ва бола саломатлигида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу билан бирга ёш оналар мактабининг ташкил этилганлиги янги туғилган чақалоқлар парвариши бўйича оналарга берилаётган маслаҳат ва тавсиялар болалар соғлом ва дуркун ўсишларида асосий пойдевор бўлиб хизмат қилади.

**СУРАТЛАРДА:** Навоий вилояти «Навбахор» тиббиёт бирлашмаси туғруқ мажмуаси фаолиятдан лавҳалар.

Суратлар муаллифи Сирож АСЛОНОВ.



## АСОСИЙ МАҚСАД: СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК



Кўқон шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилда бу ерда 56 мингдан зиёд туғиш ёшидаги аёллар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, соғломлаштирилди. Айти пайтда поликлиникада умумтаълим мактаблари ўқувчилари мутахассислар текширувидан ўтмоқда.

Замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган поликлиникада фитобар фаолияти йўлга қўйилгани, айниқса, кўпчиликка манзур бўлмоқда.

**СУРАТЛАРДА:** Кўқон шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиника ходимлари иш устида.

Суратлар муаллифи Муқимжон ҚОДИРОВ.

## ТЎҒРИ ТАШХИС — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази маслаҳат поликлиникаси аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида самарали фаолият кўрсатиб келаётган намунали тиббий муассасалардан бири. Юз қатновга мўлжалланган поликлиника энг замонавий ташхис жиҳозлари билан таъминланган. Бу ерда ўттиздан зиёд юқори малакали шифокор меҳнат қилмоқда.

**СУРАТЛАРДА:** Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази маслаҳат поликлиникаси фаолиятдан лавҳалар.

Суратлар муаллифи Жамшид НОРҚОБИЛОВ.



## Савол беринг, жавоб берамиз

## ТИББИЙ КЎРИК, ТУРМУШ ҚУРИШ, ҲОМИЛАДОРЛИКДА

## ЭНГ ҚУЛАЙ ВА ОПТИМАЛ ДАВР ТАВСИЯ ҚИЛИНАДИ

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш учун кенг жамоатчиликнинг диққат-эътибори қаратилмоқда. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, соғлом оила қуриш маданиятини шакллантириш, тиббий маданиятни ошириш, ёшларни никоҳга тайёрлаш, соғлом фарзандни дунёга келтиришда шарт-шароитлар яратиш, уларни жисмоний ва маънавий баркамол қилиб тарбиялаш соҳасида кенг кўламли чоратadbирлар кўрилаяпти.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, турмуш қуришнинг энг қулай даврини танлаш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, болани кўкрак сути билан парвариш қилиш каби масалалар юртдошларимизни қизиқтираётгани боис, тахририятимизга улардан

— Айрим ҳудудларда қизлар жуда эрта — 16 ёшдан турмуш қураётганликлари ҳақида эшитиб қоламиз. Аслида қизларнинг неча ёшдан турмуш қуриши мақсадга мувофиқ?

**С. ХОЛИҚОВА, Фарғона вилояти.**

— Мамлакатимизда ёшларнинг турмуш қуриши "Оила кодекси"га асосан, эраклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланган. Далилларга асосланган

— Никоҳдан аввалги тиббий кўрик ҳақида қисқача маълумот берсангиз?

**Н. СОТИБОЛДИЕВА, Тошкент шаҳри.**

— Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори асосида никоҳланувчи шахслар ФХДЁ бўлимига ариза берганларидан сўнг руҳий касалликлар, гиёҳвандлик, сил,

кўплаб саволлар келиб тушмоқда. Ушбу саволларга Ибн Сино жамоат фонди Тошкент вилояти филиали ҳамда Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент вилояти филиали мутахассислари жавоб беришади.

Тиббиёт хулосалари бўйича оила қуриш учун энг оптимал давр қизлар учун 20-24, йигитлар учун 24-26 ёш ва улар орасидаги фарқ 3-6 ёш бўлгани маъқул.

Жинсий йўл билан юқадиган ҳамда орттирилган иммун танқислиги синдроми бўйича тиббий кўриқдан ўтадилар. Никоҳдан аввалги тиббий кўрик — оила қураётган ёшларнинг саломатлик даражасини аниқлашда муҳим мезон ҳисобланади. Тиббий кўриқда қайд этилган касалликлардан

бирортаси йигит-қизда аниқланса, шахс даволангандан сўнггина никоҳга кириши мумкин. Келин-куёв ўз ҳудудларидаги ҚВП

— Ҳомиладор бўлиш учун энг қулай давр қачон?

**Х. ЎРИНБОЕВА, Самарқанд вилояти.**

— Аёллар учун фарзанд кўришнинг энг қулай даври 20-30 ёш оралиғи ҳисобланади. Ҳомиладорлик даврида тиббий кузатув муҳим аҳамиятга эга. Биринчи галда онанинг, қолаверса, туғилажак

— Туғруқ оралиғидаги интервал қанча бўлиши керак?

**З. РАҲМОНОВА, Тошкент вилояти.**

— Туғруқ оралиғи — кўз ёриган аёлнинг ўз саломатлигини тўлиқ тиклаб олиши учун лозим бўлган муддатдир. Туғруқлар оралиғи камида уч йил бўлса, кейинги фарзандларнинг соғлом туғилиши учун имконият яратилди, деганидир. Бу муддат фарзанднинг етарли даражада жисмоний ва ақлий ривожланиши учун шароит яратиб беради. Туғруқ оралиғининг қисқа бўлиши куйидаги салбий оқибатларга олиб келиши мумкин: онада камқонлик ривожланади, касалликларга берилувчан бўлиб қолади, навбатдаги ҳомиладорлик туфай-

— Эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари ҳақида билгимиз келади.

**О. БЕКЖОНОВА, Хоразм вилояти.**

— Эрта турмуш қуриш оқибатида қиз болалар ўз мустақилликлари ва эркинликларидан чекланидилар, оилада юзага кела-

ва оилавий поликлиника, тегишли диспансерга тиббий кўриқдан ўтиш бўйича мурожаат қилиши мумкин.

— Ҳомиладор бўлиш учун энг қулай давр қачон? **Х. ЎРИНБОЕВА, Самарқанд вилояти.** фарзанднинг саломатлиги қатъий назорат қилиб борилади. Қиз бола 18 ёшгача ҳомиладор бўлиши мақсадга мувофиқ эмас, чунки унинг организми бу пайтда ҳомиладорликка тайёр бўлмайди.

— Туғруқ оралиғидаги интервал қанча бўлиши керак? **З. РАҲМОНОВА, Тошкент вилояти.** ли боласини кўкрак билан эмизишдан маҳрум бўлади, ҳомила ўсиши ва ривожланиши учун зарур озик моддалар етишмайди, болани парвариш қилишга эътибор сусаяди.

Туғруқ оралиғидаги муддат сақланса, аёл саломатлиги тўлиқ тикланади, кейинги ҳомиладорлик ва туғруқ фаолияти давомида юзага келиши мумкин бўлган асоратлар камаяди, болани парвариш қилиш имкониятлари кенгайди, гўдак соғлом ўсади, оналар ва болалар ўлими камаяди, оиланинг иқтисодий ва руҳий муҳити яхшиланади.

— Эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари ҳақида билгимиз келади. **О. БЕКЖОНОВА, Хоразм вилояти.** диган муаммолар ечимини тўғри ва мақсадли ҳал этишда қийналадилар. Фарзандларини парвариш қилишда ва тарбиялашда

жуда кўп қийинчиликларга дуч келадилар. Ўз тенгдошлари каби улар ҳаёт гўзаллигидан тўлиқ баҳраманд бўла олмайдилар.

— Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг қандай салбий оқибатлари бор?

**Н. МАҲМАРАСУЛОВА, Қашқадарё вилояти.**

— Қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ сабабли, ирсий касалликка чалинган фарзандлар туғилади. Қариндош-уруғлар қанчалик яқин бўлса, носоғлом фарзанд туғилиш хавфи шунчалик ортади.

"Ирсият" ота-оналарнинг ўзига хос белгилари навбатдаги авлодларга узатилишини ифодаловчи тушунчадир. Тиббиётда ДНК (дезоксирибонуклеин кислота) текшируви кўпинча қариндош-уруғлар ўртасидаги белгиларни ўрганади. Ҳозирги вақтда 6 мингдан ортқ туғма ирсий касаллик мавжудлиги қайд этилган. Шундан 1,5 мингтаси даволаб бўлмайдиган ёки умрбод даволаш керак бўлган касалликлардир. Чақалоқларнинг 5 фоизи ирсий касалликлар билан, 1 фоиз болалар ўлик ҳолатда туғилаётганлиги, аёллар ва эраклар бепуштлиги, 1 ёшгача бўлган болалар ўртасидаги ўлимнинг бир қисми ирсий омиллар билан боғлиқ.

## Бугуннинг мавзуси

**КАСАЛЛИКНИ ДАВОЛАШДАН КЎРА,  
УНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ**

**Фарзандларимиз соғлом, кучли, ақлли, салобатли, келишган ва гўзал бўлишини хоҳлаймиз. Ҳарбий кийимларни, чиройли спортчиларни кўриб ким ҳавас қилмаган? Кенг елкали, қадди-қомати келишган, гўзал инсонларни кўриб ким қойил қолмаган, дейсиз? Кўча-кўйда кўпчилик мактаб ёшдаги ўғил ёки қиз болалар нима учундир бошини пастга эгиб, эгилган қомат билан оёғини зўрға кўтариб, қўлларини пастга туширган ҳолда юришади. Ҳар бир оиланинг вазифаси – келишган ва соғлом болаларни тарбиялашдан иборат. Бола-**

**нинг гавда тузилиши, қадди-қомати халқнинг соғломлик кўрсаткичи ва маданияти ойнасидир.**

– Қадди-қоматни (осанка) тўғри тарбиялаш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бу узоқ давом этадиган жараён. Болаларнинг қадди-қоматини тўғри шакллантиришни ёшлиқдан бошлаш ва буни ҳар бир болалар муассасасида – мактаб, коллеж, университет ва айниқса оилада эътиборни ҳеч қачон пасайтирмаслик керак, – дейди Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти болалар ортопедияси бўлими бошлиғи, профессор Аҳрор Жўраев.

зан бартараф этиш мумкин эмас. Бола бу касалликда тез чарчайди, кўпроқ ўтирган ва юрган пайти умуртқа поғонасида оғриқ сезади.

Сколиоз касаллиги бор болалар текширилган пайтда умуртқа поғонасида қийшиқлик ҳолати кузатилади. Бу умуртқанинг думбоқ ўсиғи чап ёки ўнг тарафга оғанлиги билан изоҳланади. Қийшайган тарафда курак юқорига кўтарилган бўлади.

Курак умуртқа поғонасига яқинроқ бўлиб қолади.

**Сколиоз касаллигининг:**

- 1) Ёйсимон;
- 2) Ссимон турлари учрайди.

Касаллик оғир-енгиллигига қараб 4 даражага бўлинади.

1-даражали сколиоз – энгил тури бўлиб, текширилган пайти умуртқа қийшиқлиги бола горизонтал ҳолда ётганда йўқолади.

2-даражали сколиоз – бола текис жойда ётган пайти ҳам қийшиқлик йўқолмайди. Кўкрак ва бел соҳасида қийшиқлик натижасида мускул ўрама ёки буртмасини аниқлаш мумкин.

3-даражали сколиоз – эса қийшиқлик бир хил ҳолатда, стабиллашган қийшиқлик кузатилади. Бундай сколиозда букрилик (реберный горб) пайдо бўлади. Тос қийшайиши натижасида оёқнинг функционал калталиги пайдо бўлади. Бола ён тарафга эгилиб, ўша калталики йўқотишга ҳаракат қилади.

4-даражали сколиоз – энг оғир формаси бўлиб, боланинг ички аъзоларида патологик ўзгаришларни юзага келтиради. Болани ташқаридан кузатсангиз, унда букрилик ҳолатини сезасиз. Оёқ соҳаларида фалажлик, невралгия, парез қайд қилинади. Касалликни даволамаса, унинг хуружи натижасида умуртқанинг ўз ўқи атрофида айланиб кетиши натижасида яна ҳам мураккаб деформацияловчи асоратларга олиб келади. Бундай нуқсонлар ўз-ўзидан боланинг ички аъзолари ўрнидан силжишига сабаб бўлади ва уларнинг функцияси бузилишига олиб келади. Ўпка, юрак-қон системаси иши бузилади. Сурункали ҳаво етишмагандек бўлади. Агар ўз вақтида сколиоз касаллигининг бошланғич даражаларида ёрдам берилмаса, келажакда бола ногирон бўлиб қолади.

Умуртқа поғонасининг қийшайиши баъзан ота-оналар ёки шифокорлар томонидан фавқулудда аниқланади. Асосан, сколиоз касаллиги қиз болаларда ўғил болаларга қараганда уч баробар кўпроқ учрайди. Баъзан тенгдош, мактабдош, синфдош болалар томонидан бундай нуқсонлилар мазах қилиниши оқибатида одамови, тез хафа бўладиган, жаҳлдор, оммага кўшилмай яққаланиб қолиши мумкин.

**– Қандай сабаблар қадди-қомат бузилишига олиб келади?**

– Қадди-қомат бузилишига олиб келувчи омиллар талайгина. Рахит, камқонлик, сурункали нафас йўллари яллиғлиниши, юқумли касалликлар шулар жумласидандир.

Болалар соғлиғи ва қадди-қомати бузилишида энг аввало, яхши овқатланмаслик, очиқ ҳавода сайр қилмаслик, етарли ухламаслик, сузиш, гимнастика билан шуғулланмаслик, мактабда болаларга мос келмайдиган парта бундай нуқсонлар ривожланишига олиб келади.

Сколиоз касаллиги 7 ёшдан 15 ёшга чача учрайди. Унинг профилактикасида боланинг қадди-қоматига чақалоқлик давридан эътибор қаратиш бирламчи роль ўйнайди.

(Давоми 9-бетда).

**– Қадди-қомат» (осанка) деганда нимани тушунамиз ва у қачон ривожланади?**

– «Қадди-қомат» (осанка) – одамнинг вертикал ҳолатини белгилайди. Ҳар кунги турмуш тарзи ҳам одамнинг қадди-қомати ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин, унинг кайфияти яхши ёки ёмонлиги, ўз кўринишини тутиш ҳолатлари, ўта чарчоқлик шулар жумласига киради.

Келишган ва расо қадди-қомат номувофиқ ҳаётий жараёнда ёмонлашиши мумкин, бундай ҳолат бола мактабда биринчи йил ўқиш пайтида кузатилади. 7 ёшларда боланинг мускул бойлам бирлашмаси ўтиришнинг физиологик ҳолатига мослашиб боради. Умуртқа поғонасига бириккан мускул ва бойламларнинг таъсирида унинг функцияси ўзгариб туради. Бу 390-400 та катта-кичик мускул фаолиятига боғлиқ. Бу мускуллар одам танасини нормал ушлаб туришдан ташқари қарама-қарши кучларни (активгравитацион кучи) бир-бирига мутаносиб қилишдан иборат. Агар мускуллар яхши ривожланган бўлса, уларнинг ҳаракати бир-бирига мутаносиб (синхрон) бўлади. Бу ўз навбатида умуртқа поғонаси қийшаймасдан тўғри ривожланишига ёрдам беради.

Қадди-қоматнинг ривожланиши мураккаб жараён бўлиб ота-оналар, шифокорлар, педагоглар, тарбиячилардан доимий эътиборни талаб қилади. Келишган, чиройли қадди-қомат, авваламбор, бош ва умуртқа поғонаси тўғри жойлашиши, курак ва елканинг симметрик ҳолати, белнинг бир хил учбурчаги, думба бурмасининг жойлашуви, умуртқа думбоқ ўсигининг вертикал ҳолати, умуртқанинг физиологик бурилишлари ҳамда қўл-оёқларнинг бир хил узунлиги ва оёқ панжасининг бир хил ҳолатидир.

Умуртқа поғонасида ҳаракатли ва ҳаракатсиз бўлимлар фарқланади. Бўйин қисми (7 умуртқадан иборат), кўкрак (12 умуртқа) ва бел (5 умуртқадан) – булар ҳаракатли бўлимдир. Думбага қисми эса ҳаракатсиз туради.

Янги туғилган чақалоқнинг умуртқа поғонаси тўппа-тўғри ҳолатда бўлиб, ўсиш ва ривожланиш жараёнида унинг қисмларида физиологик эгрилик юзага келади. Чақалоқнинг мускул системаси ривожланиши билан у бошини тутиб тура олади ва натижада умуртқа поғонасининг бўйин қисмида физиологик эгрилик қабарик ёйи олдинга қараган бўлади. Қачонки, бола ўтиришни ўрганганидан кейин умуртқасининг кўкрак соҳасида эгрилик ҳосил бўлади. Бу ёйнинг қабарик ёйи эса орқага қараган бўлади. Аста-секин бел соҳасида ҳам қабарик ёй ҳосил бўлиб, у олдинга қараган бўлади. Физиологик эгрилик 6-7 ёшларга бориб аниқ фарқланади. Умуман суякларнинг ўсиши 18-20 ёшларга бориб тўхтайдиган ва ҳамма физиологик эгриликлар бу вақтга келиб силлиқланади. Чунки инсоннинг мускул – бойлам бирикмалари, тоғай соҳаси қаватлари жуда ҳам ҳаракатчан ва эгиловчан ҳолатга етади. Энг муҳими, умуртқа поғонасининг тўғри ривожланишига нормал шароит яратиш келишган қадди-қома-

тига имкон яратади.

Умуртқанинг физиологик эгриликлари нотўғри ривожланиши натижасида ўқувчининг қадди-қомати қийшиқ бўлиб қолади ва боланинг соғлом ўсишига таъсир этади. Физиологик эгриликлар умуртқа поғонасининг эгиловчан хусусиятларини оширади ва одам ички аъзоларини ташқи муҳит шикастланишларидан асрайди.

**– Болаларда қадди-қоматнинг тўғрилигини қандай текшириш мумкин?**



– Эътибор билан қараганда, бу осон. Болани ечинтириб турган ҳолатда ёнбош тарафдан қараб текширилади (1,5-2,0 метр ўзингиздан узоқроқда, хона иссиқ ва ёруғ бўлиши мақсадга мувофиқдир). Текшириш пайтида, албатта, бошни тутиб туриш, олдинга ёки орқага эгилганлиги, кўкрак қафаси формаси, қорин чизиги, тизза бўғими букилмади, умуртқанинг бўйин, кўкрак ва бел эгрилиги ривожланганига эътибор қилиш керак.

Боланинг шифокорга қараб турган ҳолатидаги текширувда, албатта унинг елка соҳаси бир хил эканлигига эътибор қилиш зарур. Унинг кўкрак қафаси чап ёки ўнг ярми олдинга чиққанлиги ёки чиқмаганлиги, тизза бўғими букмаси қай даражада эканлиги, умуртқанинг бўйин бел соҳаси қабарик олдинга, кўкрак қисмида эса қабарикнинг орқага қараганлигини кўриш мумкин. Бола орқа билан турган ҳолатда текширилганда унинг елкаси, кўкрагининг пастки бурчаги бир хиллиги ва умуртқадан бир хил узоқликда эканлиги эътироф этилади. Кейин эса умуртқанинг думбоқ ўсиғи устидан бармоқлар юргизиб текширилади. Шунда улар бир хил эканлигини кўриш мумкин.

Кейин бола олдинга 90° эгилтириб текширилади (тизза букилмайди, қўлини осилтириб туради). Боланинг кўкрак соҳалари икки ярми ҳам бир хиллиги, чап курак ёки ўнг курак соҳасининг бўртиб чиқишини кўриш мумкин. Бундай ҳолат букрилик дейилади.

**– Қадди-қоматнинг қандай нуқсонлари бор?**

– Қадди-қоматнинг орқа – соҳаси юмалоқ – бел тури мавжуд. Бу тур боланинг тез ривожланиши пайтида мускул-бойлам системаси кучсизлиги натижасида кузатилади. Гавданинг орқа қисмида кўкрак соҳасида умуртқа текис ҳолда кўринади. Курак қанотсимон шаклда, елка соҳаси осилган, бош олдинга эгилган, қорин эса олдинга чиққан ҳолатда кўринади (қорин мускули яхши ривожланмаганлиги туфайли қорин отопияси вужудга келади). Бундай нуқсонлар кўпинча 9-13 ёшли қиз бо-

лаларда учрайди.

Қадди-қоматнинг орқа соҳаси текис – бел тури фарқланиб, бу нуқсонда умуртқанинг ҳамма физиологик эгриликлари силлиқ, текис бўлади ва умуртқанинг эгиловчанлик хусусияти камайишига сабаб бўлади.

Яна қадди-қоматнинг орқа соҳасида юмалоқ-букилган тури мавжуд бўлиб, бунда ҳамма физиологик эгриликлар янада кўпроқ эгилади. Қадди-қоматнинг текис-букилган бел тури мавжуд, бунда фақат бел соҳасида букилиш кўпроқ бўлиб, кўкрак ва бўйин соҳаси эгриликлари текисланади.

Умуртқа поғонаси ва кўкрак қафасидаги бу нуқсонлар бир бутун организм функциялари бузилишидир. Бундай нуқсонли болалар ва ўқувчилар парижонхотир, ланж, асабий, жаҳлдор бўлади. Улар бронхит, ўпка яллиғлиниши ва сил касаллигига мойилроқдир.

Баъзан тўғри ривожланган болаларнинг умуртқа поғонасида у ёки бу ён тарафга қийшайиш ҳолати учрайди. Бу сколиоз дейилади.

**Сколиоз**

Болалардаги қадди-қоматнинг нуқсонларидан бири сколиоз касаллигидир. Бу касаллик умуртқанинг ўнг ёки чап ён тарафга қийшайиши натижасида пайдо бўлади. Бу фақат умуртқа поғонаси касаллиги эмас, балки бир бутун организмда чуқур ўзгаришлар бўлиши билан фарқланади. Бу касаллик секин ривожланади, безовта қилмагани учун кеч аниқланади. Шунинг учун ҳам уни даволаш ниҳоятда қийин кечади, бу касалликни баъ-

# КАСАЛЛИКНИ ДАВОЛАШДАН КЎРА, УНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ

– Болаларнинг қадди-қоматини қандай тўғри ривожлантириш керак? Сколиоз касаллигининг олдини олиш мумкинми?

– Ота-оналар боласининг қадди-қоматида нуқсон бўлмаслиги учун у тузилгандан бошлаб қайғуриши зарур. Болаларни 6 ойгача ўтиргизмаслик ва ундан кейинги вақтга келиб ўзи ўтирмагунча кутиш кераклигини ота-она унутмаслиги лозим, 3 ойликдан бошлаб болани тез-тез қоринга ётқизиш мақсадга мувофиқдир. 9 ойгача болани оёққа қўйишга шовилмаслик тавсия этилади. Кўп мамлакатларда Япония, Хитой, хусусан Ўрта Осиё халқларида болаларни опичлаб, оёғини қурбақа ҳолатида олиб юриш кенг тарқалган.

Болани бир қўлидан етаклаб юриш тавсия этилмайди, иложи борича ўзи юриши керак, акс ҳолда умуртқа поғонасига оғирлик тушиб баъзи нуқсонларни келтириб чиқариши мумкин. Болаларга уқалаш, силаш, гимнастика машқлари қилдириш тавсия этилади.

Мактабгача ёшдаги болалар кўпроқ очик ҳавода сайр қилиши ва ҳаракат қилиб, ҳар хил ўйинлар билан шуғулланиши керак. Агар болада рахит касаллиги аниқланса, ота-она дарҳол болалар шифокорига мурожаат қилиши ва маслаҳат олиши зарур.

Болани она сути билан боқиш мақсадга мувофиқдир. Эртароқ болаларга мева ва полиз маҳсулотлари, шарбат бериш, қуёш ваннасини қабул қилиш, узоқ вақт очик ҳавода сайр қилдириш мумкин. 6 ойдан 1,5 ёшгача болаларга хамир маҳсулотлари ва таомларини бермаслик керак. 6 ойгача она сути, мева шарбати, полиз маҳсулотларидан қайнатма бўтқа ёки ёғсиз гўшт ва ба-

(Давоми. Боши 8-бетда).

ликлардан қайнатмалар бериш мумкин. Булар ҳаммаси ўсаётган организмни керакли минерал туз ва витаминлар билан таъминлайди.

Қадди-қомат профилактикаси учун албатта, 2-3 ёшдан бошлаб комплекс гимнастика машқларига эътибор бериш керак. 3 ёшдан бошлаб чанада ёки чанги учини ўргатиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Энг асосий масала – боланинг пойабзалига қаратилиши зарур. Оёқ кийимлари катта ҳам, кичик ҳам бўлмаслиги керак. Агар ясси оёқлилик мавжуд бўлса, албатта стелька-супинатор билан пойабзал кийиш тавсия этилади.

Бола стулда дарс қилаётган пайти бир оёғини тагига қўйиб ўтирмаслиги керак, чунки бунда тана мутаносиблиги бузилади ва умуртқа поғонаси нотўғри ривожлана бошлайди. Боланинг ён бошлаб китоб мутолаа қилиши тақиқланади.

Стулга ётқизилган пайти болалар ҳеч қачон бир тирсакни тушириб, бир томонига қийшайиб туриши керак эмас. Бу умуртқа қийшайишига сабабдир. Уқишда, ёзишда бола стулга суянган ҳолда қўл ва кўкрагини олдинга қўйиб ўтириши лозим.

Ўтиргич баландлиги боланинг узунлигига тенг бўлиши шарт, боланинг кураги ўтиргичга суянган ҳолда ўтириш тавсия этилади. Ёруғлик фақат чап тарафдан тушиб туриши шарт. Китоб ва дафтарга эгилмасдан масофани сақлаб ўтириш талаб этилади. Бу масофа шундай: тирсакни столга қўйган ҳолда қўл бармоқлари учи кўзнинг ташқи бурчагига олиб келинади. Ана шундай сурат ўқувчининг кўз олдида доска ёнига олиб қўйилиши зарур.

– Қадди-қомат нуқсонлари ва сколиоз касаллигини қандай даволаш керак?

– Агар ота-оналар бола қадди-қомати тўғри ривожланишига яхши эътибор қилмаса, келажакда улар танаси, умуртқа поғонасида айрим нуқсонлар пайдо бўла-

дики, кейинчалик уларни бартараф этиш муаммо даражасига кўтарилади.

Ана шундай нуқсонларни бартараф этиш биз шифокор-ортопедлар болалар шифокори, педагоглар, тарбиячилар ол-

дидаги муҳим вазифалардан биридир.

Агар умуртқа соҳасида бирон-бир нуқсон ва қийиқлик аниқланса, албатта уларга ёрдам бериш чораларини топмоқ зарур.

## Бундай пайтда муҳим режалар ишлаб чиқилади:

- 1) бола каравотидаги кўрпача тагига албатта фанердан ясалган тахтача қўйиш зарур ва болани орқаси ёки қорни билан ётқизишга ўргатиш керак;
- 2) стол ва стулда боланинг ёши ва бўйига мос тушадиганини танлаш ҳамда баъзан уйда дарсларни қорнига ётиб бажаришни ташкил этиш;
- 3) яхши овқатлантиришни таъминлаш;
- 4) сумкани орқага осиб юрадигани билан алмаштириш;
- 5) боланинг кўрув ва эшитиш ҳолатини шифокорга текширтириш;
